# САРДОРИ МАШҲУР БЎЛГАЧ...

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жамоанинг ҳарбий интизом мустаҳкамлигида намуна экани ўз-ўзидан бошқа жанговар тайёргарликлар даражасига ҳам таъсир этди. Дейлик, тактика, техник, ижтимоий-сиёсий, жисмоний, оммавий қирғин қуролларидан ҳимоя тайёргарликлари бўйича танкчи шунқорлар юксак натижаларни қўлга киритдилар. Айниқса, полигонда бўлиб ўтган амалий машғулотлар взвод посбонларининг жанговар шайлиги юксак эканлигини исботлади. Капитан Аглаев ёзги ўқув мавсуми бошланишидан бир оз олдин бу вазифага тайинланганига қарамай, жамоасини олдинги марраларга олиб чиқа билди.

Шу ўринда танкчиларнинг устози хусусида ҳам тўхталсак. Машҳур 1996 йилда Чирчиқ олий танк қўмондонлик - муҳандислик билим юртини тугаллаган. Чирчиқлик бу ўғлон гуруҳ командири вазифасида хизмат қилган пайтидаёқ юксак маҳоратга эга эканлигини кўрсатди. Капитан М. Аглаев взводга командир этиб тайинлангандан сўнг аввало эътиборни жанговар тайёргарликни ташкил этиш масаласига қаратди. Ҳа, ташкил эта билишда гап кўп. Бунда у ҳар ҳафта учун машғулотлар режасини тузиш, офицерлар, кичик командирлар билан машғулотлар ўтказиш масаласига жиддий ёндашди. Шахсий таркибнинг билими, амалий кўникмасини мунтазам равишда текшириб борди. Ҳар ҳафта жанговар тайёргарлик, ҳарбий интизом ва ички тартиб ҳолатлари якунларини таҳлил қилди. Эринмасдан вақти-вақти билан взводдаги уйғотиш ва кечки йўқламаларда иштирок этди, командир. Жанговар техника, қурол-аслаҳадан шунқорларининг тўғри фойдаланишини назорат этиш доимий вазифасига айланди, десак лоф бўлмас. Бу эса моддий-техник воситаларнинг қай аҳволда эканлиги хусусида хулоса чиқаришига ёрдам берди. Таъкидлаганларимизнинг бари аслида низомий талаблар. Ҳарбий ҳаёт қонуни бўлган Низом талабларидан оғишмаслик капитан Аглаев ютуқларининг асосий омили.

Взводда лейтенант Зафар Аҳмедов етакчилик қилаётган гуруҳ айни қишки ўқув мавсумида илғорлик қилмоқда. Мазкур гуруҳ якуний синовларда ҳам етакчи деб топилганди. Масалан, Наманганнинг Учқўрғонидан муддатли ҳарбий хизматга келган ўқловчи оддий аскар Эрлан Мухановни олайлик. Хизматига 6 ойдан ошган бўлса-да, ўз соҳасини мукаммал эгаллаган. Ёки танк командири оддий аскар Алишер Саломовни олайлик. Баҳорда Конституциявий бурчини ўтаб бўладиган бу посбон полигонда маҳоратини намоён этиб, текширувчилар олқишини олган. Ўқловчи вазифасидаги оддий аскар Алимардон Мусурмонов эса Қуролли Кучларнинг 11 йиллик тўйига муносиб туҳфа ҳозирлашга бел боғлаганлардан. Мавсумнинг илк машғулотлариданоқ эришган ютуқлари ана шундан далолат.

— Посбонлар билан маслаҳатлашиб, ниятни катта қилиб турибмиз. Имкониятларимизни ҳам чамалаган ҳолда, албатта. Аввало қишки ўқув мавсумининг дастлабки ойи натижалари бўйича пешқадамликни қўлга киритмоқчимиз. Ҳатто қоровуллик хизматини ўташ, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик бўйича илк ютуқларимиз ҳам бор. Ойлик кўрсаткичлар бўйича етакчилик қилишимиз Қуролли Кучларимизнинг 11 йиллик тўйига совғамиз бўлади. Умуман, мавсум давомидаги саъй-ҳаракатларимизнинг бари жанговар шайлигимизни янада юқори поғоналарга кўтаришга қаратилган,— дейди взвод командири капитан Машҳур Аглаев.

**Капитан А. САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

Суратда: **капитан М. АГЛАЕВ.**
**К. ТУРАЕВ** суратга олган.

---

# Икромнинг баҳоси

— Мен,— дейди ҳаво ҳужумидан мудофаа бўлинмаси командири капитан Жамолиддин Ашуров,— оддий аскар Икром Ҳожиматовни хизматининг биринчи кунидан серғайрат, интизомли посбон сифатида яхши биламан. У ўтган ўқув мавсумида яхши натижаларни қўлга киритди. Янги ўқув мавсумини ҳам кўтаринки руҳ билан бошлаб юборди.

— Оддий аскар Икром Ҳожиматов тўғрисида,—дейди командирнинг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари капитан Улуғбек Оллоёров, — мен ҳам фақат ижобий фикрлар айта оламан. Тиришқоқ, ҳаракатчан аскар. Топшириқларни тез ва соз бажаради. Сафдошлари билан самимий муносабатда... Унинг касби планшетчи. Ўз касбини жуда яхши билади.

— Шу чоққача,— дейди бўлинма старшинаси шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Ғиёсиддин Эргашев,— оддий аскар Икром Ҳожиматов бирор марта ҳам тартиб-интизомни бузган эмас. Менимча, бузмайди ҳам. Унинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши шундан далолат бериб турибди.

Командирларининг «беш» баҳосини олиб келаётган Икром айни кунларда қишки мавсум ўқув машғулотларида фаол иштирок этмоқда.

**Сержант А. АЗИЗОВ.**

---

● ИЧКИ ХИЗМАТНИ ЎТАШ — НИЗОМИЙ ҚОНУН ҚОИДАСИДИР!

# МУДОМ ЖАНГОВАР ХИЗМАТДАМИЗ



**Жонажон онаВатанимиз сарҳадларини сидқидилдан ҳимоя қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Шу боис ҳам, биз туну кун осуда осмонимиз, унинг мусаффолигини муҳофаза қилиш учун ҳамиша тайёрмиз.**

**Оддий аскар Дилшод Ҳамидов Ватан посбонлари байрамини хизматдаги муносиб ютуқлари билан кутиб олишга аҳд қилган.**

**— Армия низомларини пухта ўрганмасдан, ёд олмасдан туриб, намунали аскар бўлиш қийин,— дейди у.— Низом моҳиятини тушуниш, қатъий ижро, ҳар қандай шароитда ҳушёрликни қўлдан бой бермаслик хислати — шу уч амал аскар учун ҳаводек зарур.**

**Дилшод ўз сўзига амал қилади. Фикримизни аскарнинг навбатчиликдаги ҳолати ҳам тасдиқ этади.**

**К. ТУРАЕВ** суратга олган.

---

● ОТКЛИК

# В ЦЕНТРЕ ВНИМАНИЯ

Правительство Республики Узбекистан и лично Президент нашего государства И. А. Каримов постоянно держат в центре внимания процесс реформ, проходящий в Вооруженных Силах. Сокращение срока службы до 12 месяцев — показатель не только перехода на профессиональную армию, но и на возросший уровень подготовки нашей молодежи, которая после обретения независимости способна и в более короткие сроки освоить военное дело, стать умелыми защитниками нашего суверенного государства.

В нашем подразделении воины-разведчики с большой радостью встретили это известие, даже те, кто желает продолжить службу в качестве военнослужащего контрактной службы. Доверие Президента мы оправдаем, свой долг выполним успешно.

**Рядовой Б. ЮЛДАШЕВ.**
**(Ферганский гарнизон).**

---

● ИТОГИ КОНКУРСА АРТИЛЛЕРИСТОВ

# ПОЗДРАВЛЯЕМ ПОБЕДИТЕЛЕЙ

**В ноябре 2002 года завершился конкурс по стрельбе и управлению огнем артиллерии, проводимый Управлением артиллерии Объединенного штаба Вооруженных Сил Республики Узбекистан совместно с редакцией газеты «Ватанпарвар».**

В конкурсе принимали участие офицеры-артиллеристы частей и подразделений Вооруженных Сил, преподаватели и курсанты факультета артиллерии СВВАКИУ, слушатели Академии Вооруженных Сил.

В этом году жюри конкурса старалось включить в очередные задания задачи, с которыми офицерам-артиллеристам приходится сталкиваться в системе командирской подготовки, при этом основной целью ставилось развитие у офицеров способностей и навыков к принятию решений на огневое поражение противника, привязки элементов боевого порядка, определение вероятности поражения целей.

Результаты конкурса свидетельствуют об улучшении профессионального мастерства офицеров-артиллеристов. Конкурс показал, что офицеры-артиллеристы активно изучают новые «Правила стрельбы и управления огнем», «Курс подготовки артиллерии», а также методические пособия, изданные Управлением артиллерии в 2001—2002 гг.

Наиболее активное участие в конкурсе в этом году принимали офицеры Восточного военного округа — начальник отдела артиллерии подполковник Ш. Мамажанов, а также преподаватели и курсанты факультета артиллерии СВВАКИУ и слушатели Академии.

Наряду с положительными моментами были выявлены и недостатки. Некоторые офицеры имеют слабые знания по стрельбе и управлению огнем в горных условиях, в решении задач по теории вероятности. Офицеры-артиллеристы общевойсковых частей нерегулярно принимают участие в конкурсе.

Победителями конкурса по стрельбе и управлению огнем артиллерии в 2002 году стали:

**1-е место** — полковник В. Исаченко — начальник факультета артиллерии СВВАКИУ.

**2-е место** — майор А. Мусаев — начальник штаба войсковой части.

**3-е место** — старший лейтенант А. Гастюхин — преподаватель факультета артиллерии СВВАКИУ.

**4-е место** — майор В. Муминов — слушатель Академии Вооруженных Сил.

**5-е место** — майор О. Тажиев — слушатель Академии Вооруженных Сил.

**6-е место** — подполковник Ш. Мамажанов — начальник отдела артиллерии ВВО.

**7-е место** — лейтенант А. Клименко — преподаватель факультета артиллерии СВВАКИУ.

**8-е место** — курсант Х. Абдурахманов — курсант факультета артиллерии СВВАКИУ.

Управление артиллерии и редакция газеты «Ватанпарвар» поздравляют победителей, занявших призовые места, и благодарят всех участников конкурса.

**ЖЮРИ КОНКУРСА.**

---

# ШИЖОАТЛИ КИЧИК КОМАНДИР

Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида Қуролли Кучлар сафига чақирилган кичик сержант Аброр Акрамовнинг хизмат даврига ҳам бир йилдан ошди. Айни кунда у «электр тармоқлари ва таъмирлаш секцияси» командири лавозимида хизмат қилиб келмоқда. Кичик сержант А. Акрамов ўз вазифасига масъулиятли ёндашиб, олдига қўйилган вазифаларни чин дилдан адо этиб келмоқда. Унинг намунали хизматлари туфайли ота-онаси номига Миннатдорлик хати юборилди ва бир неча марта Фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Ҳозирги кунларда кичик командир қишки ўқув мавсуми машғулотларида фаол қатнашиб, ўз маҳоратини янада оширмоқда.

Дам олиш куни кичик сержант А. Акрамовни учратиб, унинг хизмат шароитлари ва ҳарбий хизматга бўлган қарашлари тўғрисида фикрларини эшитдик:

— Мен ёшлигимдан ҳарбий хизматга жуда қизиққанман. 1997 йили ўрта мактабнинг 9-синфини тугатиб, касб-ҳунар коллежига ўқишга кирдим. Коллежнинг электр техниги мутахассислиги бўлимини тугатиб, хизматга чақирилдим. Ёшлигимдан спортнинг кўп тури бўйича шуғулланганим сабабли хизматда қийинчилик деярли бўлмади. Хизматимдан жуда мамнунман, яхши кетяпти. Айни кунда бизларга қишки ўқув мавсуми машғулотлари қизғин олиб борилмоқда. Об-ҳавонинг ҳар хил шароитларига ҳам мослашиб олдик. Шунинг учун ёзнинг жазирама иссиқлари ва қишнинг бўронли кунларида бўлса ҳам ўзимизга юклатилган вазифаларни ўз вақтида бажариб келмоқдамиз.

Сафдошларимдан наманганлик кичик сержант Раҳим Шарипов ва бухоролик оддий аскар Мафтун Ўриновларнинг номларини тилга олиб ўтишим лозим. Улар фақат ўзлари ўрганиб эмас, кичик чақириқдаги ва ёш аскарларга ўзларининг бор маҳоратларини ўргатиб келишмоқда.

Бизлар яқинда бўлиб ўтган сессия материаллари билан танишиб чиқдик. Бунда кўрилган ҳарбий хизмат (муддатли) муддатини қисқартириш бўйича кўрилган масалалари жуда маъқул бўлди. Мен буни шахсан Президентимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрлик деб тушунаман. Шу сабабли биз ёшлар бизга бўлган катта ишончни ўзларимизнинг юксак хизматимиз, аъло ўқишимиз билан оқлашимиз керак. Мен муддатли хизматни тугатгач, хизматни шартнома асосида давом эттиришни ният қилиб қўйганман.

Мана, олдимизда Қуролли Кучларимизнинг 11 йиллик байрами яқинлашиб келмоқда. Бу улуғ байрамни ўзимизнинг юқори жанговар тайёргарлигимиз, тартиб-интизомимиз ва ҳушёрлигимиз билан муносиб кутиб оламиз.

**Шартнома бўйича хизмат сержанти А. АРЗИЕВ.**

